

Илм учун тақво қилинг!

09:57 / 28.04.2017 4683

Илм икки навдир: Касбий илм ва ваҳбий (яъни, Аллоҳдан ҳадя қилинган) илм.

1. Касбий илм. Бу илм жиддий ҳаракат, қатъиятлилик ва музокаралар воситасида ҳосил бўладиган илмдир.
2. Ваҳбий илм. Бу илм тақво ва солиҳ амаллар воситасида ҳосил бўладиган илмдир. **“Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм беради.”** (Бақара;282) Бундай илм **“Ладуний илм”** деб номланади. Қуръони каримда Хизр алайҳис саломга берилган илм ҳақида шундай дейилган: **“Ва Биз унга Ўз тарафимиздан илм ўргатган эдик.”** (Каҳф;65) Бу илм манфаат берувчи илм бўлиб, Бундай илмни Аллоҳ таоло тақводор бандаларидан Ўзи истаганига беради. Имом Шофеий роҳматуллоҳи алайҳи бунга ишора қилиб шундай деган:

يٰٓطٰفِحْ ءُوسِ عِيْكَوٰى لِّ تَوْكٰشِ

يٰٓصٰغَمٰلِ كٰرَتِ لِّ يٰنَدَشْرٰفِ

رُوْنَمٰلِغٰلِ نٰبِ يٰنَرَبْحٰو

يٰصٰعِلِ يٰدُوٰى لِّ لٰلِ رُوْنِو

Вакийъга зеҳнимдан шикоят қилдим.

Гуноҳ қилмасликни насиҳат қилди.

Дедики: “Албатта илм бу нурдир,

Осийга берилмас Аллоҳнинг нури”

Манфаатли илм олиш учун банда гуноҳ-маъсиятлардан тийилиши лозим бўлади. Акс ҳолда Аллоҳ таоло бандани ҳақни англашдан тўсиб қўяди.

Ер (юзи)да ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга имон келтирмайдилар. Агар тўғри

**йўлни кўрсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олмайдилар. мабодо
нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб оладилар.
бу(нинг сабаби) оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан
ғофил бўлганларидир. (Аъроф;146)**

Қудратуллоҳ Сидиқметов